

**ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА ТАБИАТДАН ОҚИЛОНА ҲОЙДАЛАНИШ ВА
МУҲОҲАЗА ҚИЛИШНИНГ ЭТНОЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

О.И.Абдуғаниев

ФарДУ география кафедраси доценти, з.ф.д.

Ш.Ш.Ҳакимова

ФарДУ, география йўналиши 1-курс талабаси

Н.А.Аҳмаджонова

ФарДУ, география йўналиши 1-курс талабаси

Аннотация: *Мазкур мақолада табиатдан ва уни ресурсларидан охилона Ҳойдаланиш ҳамда муҳоҳаза қилишнинг тарихий-экологик жиҳатлари Фарғона водийси мисолида қўриб чиқилган. Шунингдек, “муқаддас қадамжой”ларни табиатдаги барқарорлигини таъминлашда аҳамияти таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *муқаддас қадамжойлар, этноэкологик қадирятлар, барқарор ривожланиш, маданий ландшафт, антропоген ландшафт, ноосфера.*

КИРИШ

Жаҳонда табиий ресурслардан барқарор Ҳойдаланиш ва уларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган мақсадли тезкор ва қатъий чораларни амалга оширишни талаб этмоқда. Бу муаммоларни олдини олиш, уларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида «Қуруқлик экосистемаларини муҳоҳаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилон Ҳойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўллашишга қарши курашиш, эрларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хилликнинг йўқолишини олдини олиш» вазифалари белгиланган. Табиат ва унинг бойликларини авайлаб асраш аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан тарғиб қилинган. Қадимдан «муқаддас дарахт», «муқаддас ғор», «муқаддас булоқ», «муқаддас жой» деб эълон қилинган табиатнинг «азиз» жойлари қимматли, ноёб ва манзарали объектларнинг табиий ҳолда ҳанузгача сақланиб қолишида ижобий рол ўйнаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Фарғона водийсини Марказий Осиёнинг дурдонаси деб аталишида юқоридаги йўл билан муҳоҳазага олинган ноёб, қимматли ва хилма-хил табиий объектларнинг сақланиб қолинганлиги ҳам сабаб бўлса керак. Фарғона водийсида бундай ноёб ва қимматли ҳудудларни «муқаддаслаштириш» ёрдамида сақлаб қолишга эришилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Маҳаллий аҳолининг табиатдан Ҳойдаланишда кўп асрлик анъаналари, уларнинг ҳудудий ижтимоий-географик ва экологик жиҳатлари тадқиқ этиш долзарб масаллардан бири ҳисобланади. Аҳоли этноэкологик маданиятининг ижтимоий-географик жиҳатларини тадқиқ этиш муаммоларини ўрганишнинг

назарий-услубий асослари Ж.Х.Стюард, Х.С.Конклин, Л.С.Берг, П.Н.Савитский, Б.В.Андрианов, В.И.Козлов, Л.Н.Гумилев, А.Г.Дружинин, К.П.Иванов, И.Й.Гладкий, В.Н.Калутсков, М.В.Рагулина ва бошқаларнинг ишларида келтирилган.

Халқимизнинг табиатдан фойдаланиш анъаналарини ўрганишнинг ижтимоий-географик жиҳатлари А.Ф.Миддендорф, Д.Н.Қашкаров, Ҳ.Х.Хасанов, Р.У.Раҳимбеков, А.А.Рафиқов, А.И.Жабборов, А.А.Аширов, У.Абдуллаев, А.А.Қаюмов, Р.Баллиева, А.С.Солиев, А.Н.Нигматов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Ю.И.Аҳмадалиев, Н.Комилова ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.

НАТИЖАЛАР ВА МУХХОКАМА

Марказий Осиё минтақасида яшовчи аҳоли минг йиллар давомида шариат қонунлари бўйича табиий ресурслардан оқилона, ҳамкорликда фойдаланиб келди. Ҳамюртимиз улуғ аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби, ер ва сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Фиқҳ китобларида келтирилишича, ҳар бир жон эгасининг - одам, ҳайвон, ўсимликларининг сувдан фойдаланиладиган улуши “ширб” деб аталади. Демак, бу таъкидда идишга қуйиб қўйилган сувдан ташқари барча сувлар мазкур ҳудудда яшаётган жами инсонларга тегишли эканлиги айтилмоқда. Бундан ташқари, дарё ва ариқлар суви йўлини тўсишнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи қуйидаги банд ҳам диққатга сазовордир: “Агар сувни боғлаб тўхтатмаса ери сув ичмайдиган бўлса ҳам – сувнинг юқорисидаги киши сувни бўғиб тўхтатиши ман қилинади, илло шерикларининг розилиги билан тўхтатса дуруст бўлур.” Бундан кўриниб турибдики, минг йиллар давомида ягона минтақада яшаб келган Марказий Осиё халқларининг бир дарё сувидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси аллақачон яратилгандир. Бунга амал қилиш эса, халқларимизнинг узоқ вақт бир ҳудудда тинч-тотув, тўқ ва фаровон яшашларини асосий шартидир.

Қолаверса, тоғли ҳудудлардан фойдаланишнинг Марказий Осиё халқлари учунгина хос бўлган диний-ҳуқуқий усуллари шаклланган. Бунга кўра, тоғли ҳудудларда нозик табиатни асрашнинг алоҳида жиҳатлари яратилган. Масалан, тоғда дарахт кесиш, ҳайвонот дунёсига зарар етказиш, тупроққа ишлов бериш қаътиян ман этилган. Кишиларнинг бундай таъқиққа амал қилишлари учун дарёларнинг юқори қисмларидаги тоғли ҳудудлар “муқаддас қадамжой”ларга айлантирилган. Бундай экофил дунёқараш минг йиллар давомида ўлкамиз табиатини мусаффо сақланишига, дарёларнинг текислик ҳудудларига бир маъромда обиҳаёт бериб келишига асос бўлиб хизмат қилган. Авлодлар анъаналарини унутиш тарихни унутиш каби салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Масалан, Фарғона водийсининг кўпчилик булоқларида яшовчи қора балиқ (маринка) «муқаддас» балиқ ҳисобланиб, уларни овлаш ман этилган. Бунга сабаб, биринчидан, қора балиқлар булоқ сувидаги турли зулуклар, қисқичбақасимонлар, сув ўтларини еб ҳаёт кечирадилар. Улар булоқ сувини

тоза ва сифатли бўлишига ҳамда булоқ кўзларини ўтлар билан қопланмаслигига сабаб бўлади. Иккинчидан, балиқнинг ўт пуфаги, қорнидаги қора парда ва тухумлари ғоят заҳарли бўлганлигидан, улар ҳар қандай организмга қаттиқ тарсир қилади. Балиқ овлашни «тақиқлаш» орқали икки вазифа бажарилган, ярни булоқда доимо сифатли сув бўлган ва кишиларнинг балиқдан заҳарланиб қолишини олди олинган.

Марказий Осиё минтақасида, хусусан Фарғона водийсида ландшафт қонуниятларига мос тушувчи ҳамда маҳаллий деҳқонлар эҳтиёжини қондирувчи табиатдан фойдаланишнинг маданий этник анъаналар ҳам шаклланган. Деҳқончилик соҳасидаги турли усул ва йўналишлар неолит ва энеолит даврларида яратилган бўлиб, узоқ тарихий вақт давомида такомиллашиб борган. Ландшафтларда юз берган ўзгаришларни олдини олиш учун амалга оширилган тадбирларни такомиллашиб бориши оқибатида ушбу бу минтақада ўзига хос табиий мувозанат шаклланиб борди.

Ўзбекистон ҳудудида узоқ йиллар давомида фойдаланиб келинаётган воҳа ландшафтларида табиий ҳудуднинг хусусиятлари эътиборга олинган. Бунга сабаб аждодларимиз томонидан ер, сув ресурсларидан, яъни табиатдан оқилона ва уйғун фойдаланиб келинганлигидир. Бу маданий-этно-анъаналардан фойдаланиш жойларда экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаган (Абдулҳамидов, 1981; Аҳмадалиев, Абдуғаниев, 1995). Ўзбек деҳқонлари томонидан яратилган, айниқса Фарғона водийсида кенг тарқалган этно-экологик қадриятларнинг қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин:

- суғориладиган ва лалмикор ерлар, далачилик, боғдорчилик ҳамда ва полизчиликда фойдаланиладиган ерларни танлаш, нисбатини аниқлаш;

- табиий ландшафтлар шароитига мос равишда экин турларини танлаш маданияти;

- сунъий суғориш усулларида фойдаланиш маданияти ва ерга ишлов бериш;

- суғориладаган экин майдонлари атрофида, зах кўтариладиган жойларда сувни кўп буғлатадиган «биологик» дренажлар - тол, терак, жийда, қайрағочлардан иборат бўлган яшил ихотазорларни барпо қилиш ва бошқалар.

Ландшатлардаги табиий тикланиш жараёнлари антропоген «тазйиқ» дан ҳосил бўлган ўзгаришлар тезлиги ва интенсивлигига мос бўлмаса табиий мувозанатда бузилишлар юз беради. Агар табиий мувозанатни қайта тикланишига ёрдам берувчи тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмаса ландшафт ўзининг табиий қиёфасини ва аҳамиятини йилдан-йилга йўқотиб боради. Бунинг учун ландшафтдаги табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келувчи жараёнларнинг олдини олиш ёки уларнинг янада ривожланишини секинлаштиришга ёрдам берувчи тадбирлар амалга оширилади. Динамик мувозанатни тиклаш ландшафтни аввалги табиий қиёфасини айнан қайта вужудга келтириш деб тушунилмайди. Чунки ландшафтлардаги қисқа вақт давомида юз берган барча ўзгаришлар қайтарилмасдир.

Геокомплекслар турли вазифаларни (муҳит яратувчи, ресурс сақловчи, объектни ҳимоя қилувчи, рекреация, ахборот ва бошқ.) бажариш хусусиятига эга. Бу хусусиятлар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда бир-бирини тўлдиради. Геокомплексларни оптималлаштириш ва улардан фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб баҳо беришда бу вазифалар ичидан энг асосийсини ажратиш олиш муҳимдир. Табиий ландшафтларнинг хилма-хиллик тизими минтақалар бўйича қанчалик тўлиқ барпо этилса, шу ҳудудда шаклланган мақсадли экологик мувозанатни шунчалик узоқ йиллар давомида сақлаб туриш учун қулай имконият яратилади.

Хулоса. Геокомплекслар турли вазифаларни (муҳит яратувчи, ресурс сақловчи, объектни ҳимоя қилувчи, рекреация, ахборот ва бошқ.) бажариш хусусиятига эга. Бу хусусиятлар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда бир-бирини тўлдиради. Геокомплексларни оптималлаштириш ва улардан фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб баҳо беришда бу вазифалар ичидан энг асосийсини ажратиш олиш муҳимдир. Табиий ландшафтларнинг хилма-хиллик тизими минтақалар бўйича қанчалик тўлиқ барпо этилса, шу ҳудудда шаклланган мақсадли экологик мувозанатни шунчалик узоқ йиллар давомида сақлаб туриш учун қулай имконият яратилади.

Фарғона водийсида суғориладиган ерлар экин майдонларининг учдан икки қисмини ташкил этиб, уларга дарё водийлари танланган, дарёларнинг конуссимон ёйилмаларини юқори қисмлари эса донли ва ем хашак экинлари учун ёки яйловлар учун ажратилган. Воҳаларда экинзорлар кичикроқ майдонларни эгаллаган ва уларда хилма-хил экинлар етиштирилган. Хилма-хиллик ландшафтларнинг барқарорлигини таъминлайдиган омилдир. Ҳар бир экинзор майдонлари атрофида тол, терак, жийда, туронғил, қайрағочлардан иборат бўлган дарахтзорлар барпо этилган.

Шунинг учун ҳам машҳур Рим жамоат арбоби Цицерон "ўрмонларни йўқотувчи кишилар жамиятимиз душманларидир» деган эди. «Сердарахт қишлоқда бемор кам бўлади» деган нақл бор. Бу сўзлар бежиз айтилмаган. Бундан ташқари, дарахтзорлар ландшафтни шакллантиради, унда эстетик манзара яратади, микроиқлимни бошқарди, ҳаво ҳарорати тебранишини юмшатади, нисбий намликни орттиради, шамол тезлигини сусайтиради, тупроқ эрозиясининг олдини олади, тупроқдан маҳсулдорсиз буғланишни озайтириб уни шўрланишдан сақлайди, табиий муҳитнинг санитария-гигиена ҳолатини соғломлаштиради, турли ҳайвонлар (микроорганизмлар, ҳашаротлар, кичик сутэмизувчилар, қушлар ва бошқ.) учун бошпана бўлади, дарё ва канал қирғоқларини мустаҳкамлайди, сувни тозалайди, қурилиш материали ҳисобланади ва бошқалар. Демак, ўсимликлар табиий муҳитни мувозанатини сақлашда муҳим вазифани бажаради.

ADABIYOTLAR RO'YXATI (REFERENCES):

1. Abduganiev O.I. Muhofaza etiladigan tabiiy hududlar tizimini takomillashtirish va ulardan foydalanishning geoeologik asoslari (Farg'ona vodiysi misolida) // G.f.d. (DSc) ilm. dar. olish uchun taqdim. et. diss. –T., 2023. –291 b.
2. Abdug'aniev, O. and Komilova, T. 2023. TABIAT XILMA-XILLIGI: NAZARIY ASOSLARI, YONDASHUVLAR VA O'RGANISH USULLARI. *Farg'ona davlat universiteti*. 3 (Nov. 2023), 164. DOI:https://doi.org/10.56292/SJFSU/vol_iss3/a164.
3. Абдуғаниев Олимжон Исомиддинович, Косимов Дилшодбек Баходирович РОЛЬ ЗАЩИТНЫХ ЛЕСНЫХ НАСАЖДЕНИЙ В ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СТАБИЛИЗАЦИИ АГРОЛАНДШАФТОВ // SAI. 2023. №Special Issue 6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-zaschitnyh-lesnyh-nasazhdeniy-v-ekologicheskoy-stabilizatsii-agrolandshaftov> (дата обращения: 23.01.2024).
4. Абдуғаниев О. И. и др. Фарғона водийсида ердан фойдаланишни ўрганишда тарихий ёндашувнинг зарурати //IQRO. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 51-55.
5. Абдулаҳатов Н. Фарғона зиёратгоҳлари // “Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.2004. 54-б.
6. Аҳмадалиев Ю. Этноэкологиянинг долзарб масалалари. Фарғона, 1997.-34б.
7. Ахмадалиев Ю., Жўрабоева Х., Комилова Н. Фарғона водийси тоғолди текислик ҳудудларидан фойдаланишнинг тарихий ва маҳаллий хусусиятлари. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари// Илмий амалий конференция материаллари: -Тошкент, 2002.- Тошкент, -Б. 110-112.
8. Аҳмадалиев Ю., Комилова Н. Фарғона водийсида анъанавий хўжалик юритишнинг экологик асослари. Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг анъанавий илмий-амалий анжумани материаллари. –Фарғона, 2002.-Б. 48-50.
9. Аҳмадалиев Ю., Джўрабоева Х., Комилова Н. Анъанавий суғориш тизимида жойнинг географик хусусиятларини ҳисобга олиниши// Ўзбекистон география жамияти ахбороти.-Тошкент, 2003. №23.-Б. 199-200. (11.00.00; № 6)
10. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси -Т.: “Ўқитувчи”, 1994.-320б.
11. Жабборов И. Ўзбеклар - Т.: “Шарқ”, 2008.- 240 б.
12. Комилова Н. Табиатдан фойдаланиш анъаналарини географик ўрганишда тарихий ёндашув// ФарДУ илмий хабарлари.-Фарғона, 2017. -№ 5. –Б. 27-29.
13. Комилова Н. Исследование географических аспектов этноэкологической культуры (на примере Ферганской долины)// European applied sciences. ORT Publishing Schwieberdinger Str. 59. 70435. Stuttgart, Germany. 2017. -№4.-С.66-68
14. Огудин В.Л. Страна Фергана. –М.: 2002.- 178 с.

15. Пирназаров Р. Т., Собиров Т. С. Ў. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШ ШАРОИТИДА СУВГА БЎЛГАН ТАЛАБЧАНЛИКНИНГ ОРТИШИ ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 404-408.

16. Пирназаров Р. Т., Солиева З. И. К. ЧРЕЗВЫЧАЙНЫЕ СИТУАЦИИ, СВЯЗАННЫЕ С КРУПНЫМИ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИМИ СООРУЖЕНИЯМИ, И ИХ ПРИЧИНЫ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 162-169.

17. Пирназаров Р. Т., Дилафруз Т. К. М. КЎКСУВ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИНИНГ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИК ШАРОИТИ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 110-118.

18. Пирназаров Равшан, & Усмонова Сўғдиёна. (2023). ЎРТА ОСИЁ КЎЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА НАТИЖАЛАРИ. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8335408>

19. Пирназаров, Р. Т. (2023). СЕЛ ТОШҚИНЛАРИ ҲОСИЛ БЎЛИШИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(7), 11356-1370.